

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДАГИ
СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАК
СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ,
УЛАРНИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ**

Республика илмий-амалий анжуман материаллари

Т Ў П Л А М И

2020 йил 13 ноябрь



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ
СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАК
СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, УЛАРНИ
ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ**

**мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман
материаллари**

Т Ў П Л А М И

2020 йил 13 ноябрь

Бухоро – 2020

1-ШЎЪБА
СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ТУБАН ВА ЮКСАК
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ АЙРИМ СУВ ОМБОРЛАРИ ВА
БАЛИҚЧИЛИК ҲОВУЗЛАРИНИНГ ГИДРОФИЛ ЎСИМЛИКЛАРИ
А.А. Нурниёзов¹, Й.Ш.Ташпулатов²

*¹Самарқанд ветеринария медицинаси институти, ²Самарқанд давлат
университети*

Самарқанд вилоятида мавжуд Каттакўрғон, Оқдарё, Қорасув сув омборида юксак сув ўсимлик турлари сони ва миқдори кам эканлиги билан характерланади. Вилоятдаги сув омборларда балиқчилик хўжаликлари ташкил этилган. Сув омборлар дарёдаги ва мавсумий селлардан ҳосил бўладиган ортиқча сувларни тўплашга ихтисослашган бўлиб, уларнинг сув сатҳи доимий эмас. Ҳатто айрим йиллари баъзи сув омборларидаги сув кескин камайиб кетади. Шунинг учун сув омборларида доимий флора мавжуд бўлмайдди. Бироқ дарёдан ва бошқа сув ҳавзаларидан сув ўсимликларини оқиб келиши ҳисобига айрим турлар ўсиб ривожланади.

Сув омборлари учун характерли турларга қуйидагилар мисол бўлади: **гидрофитлар** - *Zannichellia palustris* L., *Najas marina* L., *Ceratophyllum demersum* L., *Potamogeton perfoliatus* L., *Myriophyllum spicatum* L.; **гелофитлар** - *Phragmites australis* (Cav) Trin., *Typha. laxmannii* Lepech., *T. angustata* Bory & Chaub., *Cynodon dactylon* Pers., *Glyceria plicata* Fries., *Poa trivialis* L.

Сув омборлари сув таркибида эриган тузлар миқдори бошқа сув ҳавзаларига нисбатан кўпроқ бўлиши боис жадвалда келтирилган турлар шўр сувда ўсишга мослашган ўсимликлар ҳисобланади. *Najas marina* L., *Ceratophyllum demersum* L., *Potamogeton perfoliatus* L., *Myriophyllum spicatum* L. кабилар балиқлар учун қимматбаҳо ем-хашак ўсимликлари ҳисобланади. Уларни қўпайтириш ва балиқчиликка тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Сув омборлар тарқалган турлар жами гидрофил флоранинг 12,5% ни эгаллаган.

Кейинги йилларда Самарқанд вилояти балиқчиликка кенг эътибор берилаётганлиги боис балиқ боқиладиган ҳовузлар кўплаб ташкил этилмоқда. Бундан ташқари Пайариқ, Иштихон, Каттакўрғон, Самарқанд ва Пастдарғом туманларида анча илгаридан ҳовуз балиқчилиги билан шуғулланиб келинган. Бундан кўринадики, вилоятдаги балиқ боқиладиган ҳовузлар гидрофил флораси анча мукамал шаклланган. Балиқчилик ҳовузлари флораси сув омборлари флорасига нисбатан ўхшаб кетиши билан характерланади.

1-жадвал

Сув омборлар гидрофил флораси таркиби

№	Ўсимликлар турлари	Ҳаётий шакли	Сони (Друде бўйича)	Яруси
Гидрофитлар				
1	<i>Zannichellia palustris</i> L.	Кўп йиллик	Sp	I
2	<i>Nayas marina</i> L.	Кўп йиллик	Sp	I
3	<i>Ceratophyllum demersum</i> L.	Кўп йиллик	Sp	I
4	<i>Potamogeton perfoliatus</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
5	<i>Myriophyllum spicatum</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
Гелофитлар				
4	<i>Phragmites australis</i> (Cav) Trin.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
5	<i>T. laxmannii</i> Lepech.	Кўп йиллик	Sol	II
6	<i>T. angustata</i> Bory & Chaub.	Кўп йиллик	Sp	II
Гигрофитлар				
7	<i>Cynodon dactylon</i> Pers.	Кўп йиллик	Sp	I
8	<i>Glyceria plicata</i> Fries.	Кўп йиллик	Sp	II
9	<i>Poa trivialis</i> L.	Кўп йиллик	Sp	II

Балиқ боқиладиган ҳовузлар суви асосан дарё, сойлар, арик ва каналлардан ҳамда ер ости сизот сувлари орқали тўйинтирилади. Шунга боғлиқ ҳолда турли ҳовузлар флораси ҳар турлича бўлади. Балиқчилик ҳовузлари: *Typha laxmannii* Lepech., *T. minima* Funck., *T. angustata* Bory & Chaub., *Sparganium microcarpum* Celak., *Potamogeton pectinatus* L., *P. crispus* L., *P. natans* L., *Nayas marina* L., *Triglochin palustris* L., *Sagittaria trifolia* L., *Alisma lanceolatum* L., *Cynodon dactylon* Pers., *Phragmites australis* (Cav) Trin., *Glyceria plicata* Fries., *Schoenoplectus lacustris* (L.) Palla., *Bolboschoenus martimus* (L.) Palla., *Ceratophyllum demersum* L., *Rorippa palustris* (L.) Besser., *Trachomitum scabrum* (Rusanov) Pobed., *Epilobium hirsutum* L., *Plantago major* L., *Mentha longifolia* (L.) L. каби юксак сув ўсимликларидан.

2-жадвал

Балиқчилик ҳовузлари гидрофил флораси таркиби

№	Ўсимликлар турлари	Ҳаётий шакли	Сони (Друде бўйича)	Яруси
Гидрофитлар				
1	<i>Potamogeton pectinatus</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
2	<i>P. crispus</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
3	<i>P. natans</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I

4	<i>Nayas marina</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
5	<i>Ceratophyllum demersum</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	I
Гелофитлар				
6	<i>Typha laxmannii</i> Lepech.	Кўп йиллик	Cop ²	II
7	<i>T. minima</i> Funck.	Кўп йиллик	Cop ¹	III
8	<i>T. angustata</i> Bory & Chaub.	Кўп йиллик	Cop ¹	II
9	<i>Phragmites australis</i> (Cav) Trin.	Кўп йиллик	Cop ²	I
10	<i>Schoenoplectus lacustris</i> (L.) Palla.	Кўп йиллик	Cop ²	IV
11	<i>Bolboschoenus martimus</i> (L.)Palla.	Кўп йиллик	Cop ²	IV
12	<i>Rorippa palustris</i> (L.)Besser.	Кўп йиллик	sp	IV
Гигрофитлар				
13	<i>Cynodon dactylon</i> Pers.	Кўп йиллик	Cop ²	IV
14	<i>Glyceria plicata</i> Fries.	Кўп йиллик	Cop ²	IV
15	<i>Trachomitum scabrum</i> (Russanov) Pobed.	Бир йиллик	Cop ¹	I
16	<i>Epilobium hirsutum</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	II
17	<i>Plantago major</i> L.	Кўп йиллик	Cop ¹	V
18	<i>Mentha longifoilia</i> (L.) L.	Кўп йиллик	Cop ¹	III

Ушбу жадвалда келтирилган гидрофит ва гелофит турлар ўтхўр баликлар томонидан ейилиши эътиборга молик. Балиқчилик ҳовузларидан 18 тур аниқланган бўлиб, жами гидрофил флорани 25,00% ни ташкил этади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, Самарқанд вилоятидаги окмайдиган сув ҳавзаларидан балиқчилик ҳовузлари флора таркиби жиҳатидан сув омборлар флорасидан бойроқ ҳисобланади. Бу балиқчилик ҳовузларда сув ўсимликлари нисбатан кўпроқ миқдорда бўлиши унда сувнинг мўътадил меъёрида сақланиши, чуқур бўлмаслиги ҳамда сув ўсимликлар фойдаланиш учун олинмаслиги билан изоҳланади.

Адабиётлар:

1. Tashpulatov Y.Sh., Khamdamov I.Kh.,Nurniyozov A.A. Water and Coastal Water Vegetation of Various Types of Waters in the Samarkand Region // Bulletin of Pure and Applied Sciences Vol.38 (Zoology), No.2, 2019. P.60-65. (RG-5.33). doi:10.18411/spc-22-07-2019-04.

М У Н Д А Р И Ж А

1-ШЎЪБА

СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ТУБАН ВА ЮКСАК ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Нурниёзов А.А., Ташпулатов Й.Ш., Самарқанд вилоятидаги айрим сув омборлари ва балиқчилик ҳовузларининг гидрофил ўсимликлари	3
Шерназаров Ш.Ш., Ташпулатов Й.Ш. Самарқанд вилояти айрим балиқчилик ҳовузлари альгофлораси таҳлили ва унинг шаклланиш хусусиятлари	6
Исмамова З.А. Новқа сув омбори сувўтлари	9
Хусанова О.Ғ., Джураев И.К. Тунроқ альгофлорасида cyanophyta бўлимининг таксономик таҳлили	11
Shodmonov F. Q. Dengizko'l kadastrini va o'simliklar qoplamiga oid ma'lumotlar	14
Ташпулатов Й.Ш., Қобулова Б.Б., Дутов Б.С. Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг мавсумий ўзгаришлари	16
Mustafayeva M.I. Dynamics of growth and development of dominant types of bioponds of cleaning facilities Bukhara	19
Алимжанова Х.А., Юлдашева М.П. Шохимардонсой – марғилонсой альгофлорасининг таксономик таҳлили	21
Алимжанова Х.А., Ражабова М.С. Биологические разнообразие водорослей весене- летнего периода Акдарьинского водохранилища	28
Алимжанов Х.А., Шайимкулова М.А. Об изученности альгофлоры водоемов республики Кыргызистана в период 1893 по 1937 года.	32
Алимжанов Х.А., Шайимкулова М.А. Об изученности альгофлоры водоемов республики кыргызистана в период 1937 по 1965 года	35
Халимова Ш. Э. Альгофлора и химический состав биопрудов г.Бухары и их краткая история изучения	41
Алимжанов Х.А., Шайимкулова М.А. Об изученности альгофлоры водоемов республики Кыргызистана в период 1965-2020 гг	44
Бўриев С.Б., Қобилов А.М., Жабборов Б.И. Қора-қир кўлидаги микроскопик сувўтларининг таҳлили	49
Tolmasova N.G'. Zarafshon baliqchilik xo'jaligi hovuzlarida o'suvchi yuksak suv o'simliklarini aniqlash	51